*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**5 июль**
ШАНБА
**№ 54** (12690)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг шонли тарихидаги буюк ва ўчмас санани – Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Ана шу улуғ айёмни муносиб кутиб олиш ва ўтказиш мақсадида бугунги кунда олиб бораётган маънавий-маърифий фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини аввало биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида биз эришган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз аҳолиси ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, уларнинг қадр-қимматини чуқур англаш ташкил этиши даркор.

Шулар қаторида Ўзбекистонимиз барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, қўлга киритган улкан натижаларимизни бутун дунё тан олаётгани, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўрин эгаллаб олаётганини кенг ёритиш, бу ютуқларнинг асосий омили ва мезонини биринчи навбатда халқимизнинг дунёқараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганида кўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур.

Шу муносабат билан:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **"Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!"** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларига Мустақиллик байрамининг йигирма уч йиллигини юксак савияда нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш, Республика дастуридан ўрин оладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

3. Мазкур дастурни тузишда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин:

тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда "Ким эдигу ким бўлдик?" деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош ғоя сифатида белгилаш;

мамлакатимизнинг ўтган аср охирида кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ СССРда энг охирги ўринлардан бирини эгаллаган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, қолоқ аграр республикадан бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланганини очиб бериш. Бунинг тасдиғини мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошгани, кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани ва бошқа шу каби рақам ва кўрсаткичлар мисолида қиёсий таҳлиллар орқали кўрсатиш;

юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини ёритиш;

ҳеч шубҳасиз, вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоён бўлаётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом эттираётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берганимиз мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустаҳкам фундамент яратиб берганига алоҳида эътибор қаратиш;

биз учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида қўлга киритган ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётий омилларини очиб бериш;

мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оналик ва боланикни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларни замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга ошираётган кенг кўламли ишларимизни ҳаётий ва таъсирчан мисолларда ифода этиш;

бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек сақлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур акс эттириш;

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш бўйича ёндашув ва қарашларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш;

юқорида баён этилган бекиёс натижалар, Ватанимизнинг изчил ва барқарор тараққиёти негизида турган асосий омил ва мезонларни очиб бериш амалга ошириладиган барча ахборот-информацион ишларимизда, маънавий-маърифий учрашув ва мулоқотларда, жонли суҳбатларда катта ўрин тутиши лозим. Ушбу қарорнинг кириш қисмида қайд этилган фикр ва ғояларни чуқур маъноли, шу билан бирга, содда тилда ёритиш, одамларнинг қалби ва онгига сингдириш бу борада алоҳида аҳамият касб этиши табиийдир.

Мухтасар айтганда, биз мустақиллик йилларида қандай оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, мисли кўрилмаган ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси замирида фақатгина халқимизнинг фидойи меҳнати, чидамлилиги, олижаноблиги ва бағрикенглиги, матонати ва жасорати, эртанги кунга мустаҳкам ишончи мужассам эканини теран акс эттириш зарур.

4. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган мутахассислар – сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини таранум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" анъанавий республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Бадиий академия, "Тасвирий ойина" уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда август ойининг охирида "Энг улуғ, энг азиз", "Ватан учун яшайлик", "Сени куйлаймиз, замондош", "Ранглар жилосида – она диёр" каби кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 1 июль.

Маънавият

## ЯХШИЛИК ҲИКМАТИ

**Яқинда шундай бир ибратли воқеани сўзлаб беришди. 7-8 ёшлардаги қизалоқ таксига қўл кўтаради. Таксига чиққач, ҳайдовчи ундан сўрайди: "Ўзинг ёлғизмисан, қизим, қаерга боришингни биласанми?" "Ҳа, биламан, амаки", дейди қизча. Ҳайдовчи йўлида давом этади. Бирин-кетин йўловчилар тушиб қолади. "Амаки, мен охирги қишлоққача бораман", дейди ёлғиз қолган қизча. Ҳайдовчи ўйланади: "Ҳали анча юриш керак экан. Бошқа машинага ўтқазиб юборсаммикан? Йўғ-эй, уйидагилари хавотирланиб ўтиришгандир. Олиб бориб қўя қолай", деб манзилга етиб, тўхтайди. Шунда қиз чўнтакларини титкилайди-да, дув қизариб кетади ва: "Амаки, пулим тушиб қолибди", дейди кўзлари жиққа ёшга тўлиб. "Майли, майли, қизим, ишқилиб, уйингга аниқ етиб келдингми?" дейди ҳайдовчи жилмайиб. "Ҳа, келдимку-я..." "Бўпти, борақол", дейди ҳайдовчи бош ирғаб. Қизалоқ қайта-қайта раҳмат айтиб, қишлоқ кўчасидан чопқиллаб кетади.**

*(Давоми 4-бетда).*

## ЁШЛАРИМИЗНИ ЁТ ҒОЯЛАРДАН АСРАЙЛИК

**Вилоятимизнинг икки ярим миллионга яқин аҳолисининг ўн мингдан ортиғи вояга етмаган ёшлардир. Аҳоли асосан шаҳар ва қишлоқлардаги маҳаллаларда истиқомат қилади. Улар аввало, оилада, қолаверса, атрофидаги маҳалла, жамоада шаклланади. "Бир болага етти маҳалла ота-она" деган нақл бор. Ҳар бир экилган ниҳолни тўғри ёки нотўғри ўсаётганини биринчи галда ким пайқайди? Албатта қўни-қўшни, маҳалла-кўй. Айтмоқчимизки, қўшнининг ўғли ёки қизи ножўя хатти-ҳаракат қилдими, унинг олдини олиш чораларини кўриш зарур.**

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, жиноий-процессуал ва маъмурий қонунчиликни либераллаштирилиши бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий принципларига мувофиқ равишда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Дастури ижроси юзасидан вилоят ҳудудида фаолият юритаётган барча таълим даргоҳларида, муассаса ва ташкилотларда, маҳаллаларда ёшлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, айниқса, диний экстремизм, ақидапарастлик, терроризм каби иллатларга қарши курашиш, ёшларнинг турли ғайриқонуний оқимларга кириб қолишларининг олдини олиш, бу иллатларнинг урчиб кетишига йўл қўймаслик борасида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

## «БОЛАМ БАХТЛИ БЎЛСИН, ДЕСАНГИЗ...»

**Бугунги кунда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишни тизимли йўлга қўйиш давр тақозосига айланди. Бунинг учун энг аввало ота-оналар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларининг, шунингдек, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг бу борада билим ва малакаларини ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади.**

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги: "Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этамиз. Айни вақтда бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда", деган фикрлари маҳалла, ота-оналар олдидаги ғоявий-тарбиявий вазифаларни яққол ифодалайди. Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан "бугунги шиддатли замон", "ёш авлод тарбияси", "ўта муҳим ва долзарб вазифалар"нинг алоҳида таъкидланиши ҳар бир маҳалла маслаҳатчисидан, ота-онадан нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани тарбиялаш учун етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

*(Давоми 2-бетда).*

Қишлоқ мулкдорлари

## ПАХТА ВА ҒАЛЛАДАН ГЎШТ, СУТ, АСАЛГАЧА...

**Юқори Чирчиқ туманидаги бир фермер хўжалиги фаолияти билан қизиқиб танишдик. Номи ҳам ажабтовур – "Исоқ Раж". Исоқ – ўзбекона исм. Лекин "Раж"...**

– Бу менинг исмим, – деди фермер. – Фамилиям Исоқов. Бир пайтлар жаҳонга танилган ўша бетакрор кино юлдузи Раж Капурга адашман. Ота-онамиз унинг мухлиси бўлишган.

– **Давлат эҳтиёжлари учун ғалла сотиш шартномасини 110 фоиз бажарганингизни эшитиб келувдик. Ерларингиз лалми экан...**

– Ҳа, шундай. Ёлғон бўлмасин, уч гектарли картамизни суғориш имкони бор. Шу ерга пахта экканмиз. Авжи баланд, ҳосил тугунлари мўл. Шиғил шоналар эртага гул кўрсатади.

Энди ғаллага келсак, шартномани ортиғи билан бажардик. Аммо, 30 гектардаги буғдойнинг тенг ярми ўзимизга қолди. Уни ҳам ҳадемай, яъни комбайнлар бироз бўшагач, ўриб-янчиб оламиз. Аслида ўзимизнинг техникамиз етарли. МТЗ-80 тракторидан бешта бор – комплект. ДТ-75 ҳайдов трактори, буғдой сомонини пресслайдиган техника ҳам ўзимизники. Фақат дон комбайнимиз йўқ. Лекин бу ҳам вақтинча. Ҳозир лизинг йўли билан немисларнинг "Класс-Доминатор" комбайнини олиш ҳаракатидамиз.

*(Давоми 2-бетда).*



Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

# ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК – МУҲИМ ОМИЛ

**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмаси томонидан фуқаролик жамияти шаклланишининг омили сифатида сайлов тизимини демократлаштириш жараёнлари мониторинги амалга оширилмоқда.**

Мониторинг натижаларига кўра мамлакатимизда сайлов жараёнларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базанинг тизимли ривожланиб бориши натижасида сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобат муҳитининг шаклланаётгани, ҳар бир депутатлик ўрни учун астойдил курашилаётгани, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий-ҳуқуқий онги ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашида бўшаб қолган депутатлик ўринлари учун 2013 йилда ўтказилган сайловларда сиёсий партиялар томонидан жами 40 та номзод кўрсатиш имкониятининг 39 тасидан унумли фойдаланилган. Шунингдек 58-"Ниёзбош" ва 22-"Ғазалкент" сайлов округида ЎзЛиДеП, 46-"Қизғалдоқ" сайлов округида "Адолат" СДП, 20-"Бўка" сайлов округида "Миллий тикланиш" ДП, 18-"Зафар" сайлов округида эса ЎзХДП нинг кузатувчилари ва ваколатли вакиллари фаоллик кўрсатганлигини қайд этиб ўтиш жоиз. Шу билан биргаликда фуқароларнинг овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда сайловларда иштирок этиши қатор сайлов округларида 90 фоиздан ошганлиги кузатилди.

Партиялар вилоят кенгашлари фаоллари ва етакчиларининг сиёсий ҳамда ҳуқуқий билимларини янада ошириш мақсадида ҳудудларда тизимли равишда тадбирлар ташкил этиб келинмоқда. Жумладан, институтнинг вилоят ҳудудий бўлинмаси партиялар вилоят кенгашлари билан ҳамкорликда жорий йилнинг март-апрель ойларида бошланғич партия ташкилотларининг сайловларга тайёргарлигини оширишга доир, май-июнь ойларида партиялар ҳудудий ташкилотлари томонидан сайлов жараёнида депутатликка номзод тайёрлаш ва кўрсатишнинг долзарб масалаларига оид семинарлар уюштирди. Уларда минимал сайлов ҳудудларини қамраб олиш нуқтаи назаридан бошланғич партия ташкилотларининг оптимал тизимини шакллантириш, бошланғич партия ташкилотлари раисларининг сайловолди кампанияларини ташкил этишдаги иштироки, номзодлар танлаш ва улар билан ишлашга доир тегишли кўникма ва тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 12 майдаги қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган "2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастури"да белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳудудий бўлинмамиз партияларнинг Тошкент вилоят Кенгашлари, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари, ОАВ ва қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш шакллари ҳамда усуллари, партияларнинг сайловларда иштирок этиши учун тенг шароитлар яратиш, улар томонидан сайлов қонунчилиги талабларига риоя қилинишини таъминлаш борасида жойларда давра суҳбатлари, семинарлар ва тадбирлар ўтказишни режалаштирмоқда. Тадбирлар сайловларда сиёсий партиянинг ваколатли вакили, кузатувчиси иштироки, шунингдек, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, сайловда биринчи бор қатнашаётган ёшлар ўртасида сайловларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онгини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада юксалтиришга қаратилади.

Таъкидлаш жоизки, сайлов қонунчилиги тизимидаги янгиланишлар фуқароларнинг дунёқараши, қолаверса ҳаётга бўлган муносабатига ўз таъсирини кўрсатиб, ҳар бир воқеа ва ҳодисага нисбатан ўз фикрини билдириб бориш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий фаоллиги, фуқаролик масъулиятининг ошиб бориши эса, бўлажак сайловларнинг юқори савияда ўтишида муҳим омилдир.

**Бекзод ҲИКМАТОВ,**
**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари.**
**Тўлқин АЛИҚУЛОВ,**
**етакчи мутахассис.**

# ЁШЛАРИМИЗНИ ЁТ ҒОЯЛАРДАН АСРАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўтган 1-чорак давомида вилоят ҳудудидаги маҳаллалар, ўрта-махсус, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ҳамда мактабларда ўтказилаётган "Гиёҳвандлик – аср вабоси", "Диний ақидапарастлик ва экстремизмнинг салбий оқибатлари", "Жиноят ва жазо", "Одам савдоси – давр муаммоси", "Ўғирлик моли – бой қилмас" мавзуларидаги учрашув ва суҳбатлар шулар жумласидан.

Амалдаги қонунлар моҳиятини ўсиб келаётган ёш авлодга тушунтириш, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ўрта-махсус касб-ҳунар коллежлари ва мактаб ўқувчилари иштирокида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловлари, мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида "Ўсмир", "Давомат", "Ўқувчи", "Ёшлар орасида наркотик моддаларнинг тарқалишига қарши кураш" борасидаги тадбирлар ўз натижасини беради, албатта.

Ҳокимликлар, "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, таълим муассасалари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида вояга етмаганлар қаровсизлиги, назоратсизлиги, ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида амалий ва ташкилий ишлар муҳим аҳамиятга эга.

Давра суҳбатлари давомида ёшларга ва уларнинг ота-оналарига "Залолатдаги заифалар" видеофильми намойиш этилиб, уларнинг бу борадаги фикрлари тингланди, баҳс ва мунозара қилинди.

Чунки ақидапарастлик, диний экстремизм, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар бошқалар қатори бизни ҳам четлаб ўтмаяпти.

Унга хизмат қилувчилар фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни бузишга, дунёвий ва кўп миллатли давлатни обрўсизлантиришга уринадилар. Ақидапарастлик ташкилотлари ўз аъзолари зиммасига умумий мақсад йўлидан асло чекинмаслик, ўз моли ва ҳатто жонидан кечиш мажбуриятини юклайди, бу ҳақда қасамёд қилишга мажбурлайди. Натижада улар ушбу ташкилотларнинг шафқатсиз ва фанатик жангарисига айланиб қоладилар. Баъзи ёшларнинг ана шундай оқимлар таъсирига тушиб, жиноят кўчасига кириб қолаётгани ачинарли ҳол.

Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан шундай ғоялар таъсирига тушиб қолиши мумкин бўлган вояга етмаганлар ва ёшларни аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар жараёнида ақидапараст шахслар ва уларнинг фарзандлари билан якка тартибдаги профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.

Президентимиз бизнинг тарғибот-ташвиқот ишларимиз тор доираларда қолиб кетаётгани, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб бормаётгани, тажрибасиз, ғўр, билими, дунёқараши чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаётгани натижасида улар ташқи таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-кўрона берилиб, ҳатто ўз онасига, халқи ва Ватанига қарши қўл кўтаришгача бораётганини куюниб айтган эдилар.

Шунинг учун ҳам биз аввалambор ушбу офатнинг бирламчи манбаларига қарши курашишимиз лозим. Ёшларимизнинг четдан кириб келаётган оммавий маданият таъсирига тушиб қолишларининг олдини олишимиз зарур. Бунинг учун нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, балки барча жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ёвузлик ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўплаб экстремистик оқим аъзоларининг ёшлар онгини заҳарлаб, улардан террорчилар тайёрлаётган, кўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширишга уринаётган кучларнинг илдизини йўқотишимиз зарур бўлади.

**Зулайҳо ҚАЛАНДАРОВА,**
**вилоят ИИБ ҲООБ катта инспектори.**

**Ҳадемай абитуриентлар учун ҳаяжонли дамлар бошланади, яъни уларнинг йиллар давомида олган билимлари синовдан ўтказилади. Хўш, Тошкент Давлат аграр университетида ушбу жараён қай даражада олиб борилаётир? Университет ҳовлисига кирар экансиз, бу ерда ҳар қадамда чамандай очилиб турган анвойи гуллар кўзингизни қувнатади.**

# АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Йўлакларнинг ҳар икки томонидаги ям-яшил арчалар олийгоҳга ўзгача салобат бағишлайди. Арчазорлар орасидаги ҳайвонот дунёси ажойиб манзара кашф этган. Университет ректори, профессор Ботир Сулаймонов раҳбарлигида олийгоҳ бош корпуси ва талабалар турар жойлари капитал таъмирланаётган экан.

Қизиқиш сабаб ушбу талабалар шаҳарчасини айландик. Ўқув биноларидан ташқари, шаҳарчада талабалар учун 15 та турар жой, икки қаватли, барча қулайликларга эга ошхона, қаҳвахона, кутубхона мавжуд. Пештоқига "Тайёрлов курси" деб ёзиб қўйилган бинога дуч келдик.

Маълум бўлишича, мазкур "Тайёрлов курси" тингловчиларни республика олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун 3 та, яъни агрономия, иқтисодиёт ва муҳандислик йўналишларида 6 та – математика, физика, кимё, биология, ўзбек тили ва адабиёти, чет (инглиз) тили фанлари бўйича тест синовлари топширишга тайёрлайди. Тингловчиларнинг ўқиши, овқатланиши, даволаниши ва дам олишлари учун барча шароитлар мавжуд. Бу йил ҳарбий хизматни ўтаётган 37 нафар ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган 6 нафар ёшлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 17 январдаги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йилнинг февраль ойидан бошлаб махсус 6 ойлик бепул тайёрлов курсида ўқитилади.

Тайёрлов курсида ўқиш 3, 6, 8 ойлик муддатларда ташкил этилган. 2014-2015 ўқув йилида республика олий ўқув юртларига тест синовлари асосида кириш учун жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб бир ойлик пуллик тезкор тайёрлов курслар ташкил этилганлиги айни муддао бўлди. Боиси, ҳар йили 20 июндан бошлаб олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун ҳужжат қабул қилиш бошланади. Ҳужжат топширган абитуриентлар бекор юрмай, шу курсларда билимларини мустаҳкамлашади.

**Юлдуз ФАЗЛИЕВА.**

Ғалла – 2014

# ЕТТИ ҒЎР ЎРНИГА БИТТА ЗЎРИ

**Табиий шароити оғирроқ, аниқроғи қирликда жойлашган 176 гектарлик "Агро Мурувват Бизнес" Пискентдаги энг ёш фермер хўжаликлардан. Ўтган йили, бу ерда ишлашнинг уддасидан чиқа олмаган 7 та фермер хўжалиги ўрнида ташкил топган. Шундай бўлсада, Шавкат Раимжонов бошқараётган янги хўжаликнинг ғаллачиликдаги илк муваффақияти диққатга сазовор.**



Хўжалик умумий ер майдонининг 93 гектарида етиштирилган "Таня элита" навли буғдой роса бўлиб берди. 60 гектаридан давлатга режадаги 238 ўрнига, 241 тонна дон топширилди. Қолган 33 гектаридан яна 150 тоннадан зиёдроқ ҳосил кутилмоқда. Шунда умумий хирмон 400 тонна, ўртача ҳосилдорлик 43 центнерданга тўғри келмоқда. Ернинг табиий шароити ва хўжаликнинг "ёшлиги" ҳисобга олинса, бу яхши натижа.

– Хўжалигимизда 56 нафар сувчи, ишчи ва механизаторлар меҳнат қилади, – дейди фермер. – Аъзоларимизга ғалланинг ўзимизга қолганидан 1 тоннадан тарқатамиз.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Қишлоқ мулкдорлари

# ПАХТА ВА ҒАЛЛАДАН ГЎШТ, СУТ, АСАЛГАЧА...

(Давоми 2-бетда).

**– Тўғри қиласиз. Яна бир гап. Қачонгача ёғин пойлаб, осмонга тикилиб юрасиз, ерларизга сув чиқаришнинг иложини қилсангиз бўлмайдими?**

– Бўлади. Электр трансформатор келтириб қўйдик. Керакли жойларга насослар ўрнатиб, келаси мавсумдан экинларни суғоришни бошлаймиз. Бу сув бошқа қатор орзу-ниятларимизни рўёбга чиқаришимизда ҳам асқотади.

**– Дарвоқе, туман ҳокимлигида "Исоқ Раж"ни кўп тармоқли хўжалик дейишувди.**

– Шундай деса ҳам бўлади. Ҳозир чорвачиликни йўлга қўяяпмиз. 40 бош қорамолимиз, 50 та қўйимиз бор. Сут ва гўштни атрофимиздаги шифохона ва боғчаларга етказиб бераяпмиз. Бу тармоқни имкониятга қараб, кенгайтириб, ривожлантириб бориш ниятидамиз.

Паррандачиликка ҳам қўл урганмиз. Товуқларимиз юзтага етди. Ўрдак-ғозларни қўшиб ҳисобласангиз 200 дан ошади. Бу – бошланиши.

Асаларичилик ҳам хўжалигимизнинг асосий тармоқларидан бирига айланиб улгурди. Ҳозир уялар 100 дан ошди. Ҳар биридан 5 килограммдан 10 килограммгача асал олинаяпти.

**– Ерларингизни айланганда, янги барпо этилган токзорга ҳам кўзимиз тушди...**

– Қишлоғимизда бир миришкор отахон борлар. Узумчилик билан ҳам шуғулланиб кўриш нияти туғилганда шу отахонга учрашдим. У киши: "Яхши ўйлабсиз, бўладиган нав кўчатларини тайёрлаб, ўзим экиб бераман" дедилар-у, ишга киришиб кетдилар. Мана, кўриб турганингиздек, бир гектарли токзорга эга бўлдик. Ҳаммаси тоифа нав. Кўчатлар бехато тутди. Насослар ишга тушиб, сув муаммоси ҳал бўлгач, узумчиликни ҳам ривожлантириш имкони туғилади.

**– Атрофда ташландиқ жойлар кўп экан. Улардан фойдаланиш йўллари ҳақида ўйлаб кўрмадингизми?**

– Ўйлаяпмиз. Электр трансформаторни ўрнатиб, насосларни ишлатиб, ерларимизга сув чиқариб олсак, балиқчиликка ҳам навбат келади. Мўлжаллаб қўйган жойларимизда сув ҳавзалари барпо этамиз.

**– "Исоқ Раж" хайрли ишлар қилаётгани ҳақида эшитдик. Энг муҳими, Наврўз қишлоғи марказида савдо ва маиший хизмат шахобчаларидан иборат гузар қураётган экансиз.**

– Бу шунчаки, савдо ва маиший хизмат нуқталаридан иборат гузар бўлиб қолмайди. Биз узоқни кўзлаганмиз. Кейинчалик аҳоли гавжум шу гузарда 20-22 та дастгоҳ ўрнатиладиган хийла кенг тикувчилик цехи бўлади. Ҳисоблаб кўрсак, шу баҳона яна камида 26 ҳамқишлоқ аёлларимиз муқим ишли бўлишар экан.

Гузарни мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрамигача битказиб, ишга туширишни ният қилгандик. Қолган орзулар шундан кейин рўёбга чиқаверади.

**– Шунча суҳбатлашдиг-у, хўжалик аъзолари, уларнинг турмуши ҳақида гапирмадингиз.**

– Буёғи шароитга қараб бўлаяпти. Сут, гўшт, парҳез гўшт, тухум, асал – ўзимизнинг тилда айтганда, деҳқончилик. Ғалламизнинг ярми ҳам далада турибди. У ҳам аъзоларимизнинг нақд даромади. Қолаверса, бизда қатъий одат бор – ҳосилдан бўшаган ерни фақат ўзимизнинг аъзоларга бўлиб берамиз. Такрорий экин экиб, рўзғорларининг камини бутлаб олишади.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

# «БОЛАМ БАХТЛИ БЎЛСИН, ДЕСАНГИЗ...»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида вилоятнинг барча шаҳар, туманларидаги фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда ота-оналар учун "Болам бахтли бўлсин, десангиз..." ўқув-тренинг семинарлари ўтказилди.

Мақсад – фуқаролар йиғинлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларини фарзанд тарбиясига доир билимлар билан қуроллантириш ва шу билимлардан фойдаланиб, ота-оналарнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш, болаларини ҳаётга тайёрлаш, тарбиялашга методик ёрдам беришдан иборат.

Семинар-тренинглар вилоятдаги фуқаролар йиғинларининг 700 нафардан ортиқ диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, Миллий ғоя ва мафкура ИАМ раҳбари, педагогика фанлари доктори, профессор М. Қуронов, сиёсий фанлар доктори Қ. Қуронбоев, мутахассислар О. Бозоров, Э. Даминовлар иштирокида ўтказилди.

– Машғулотлар тарбиявий аҳамиятга эга савол-жавоблар, мисол, ҳикоя, тушунтиришлар ва медиатақдимот асосида ҳамда замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтказилгани учун ҳам қизиқарли ва мазмунли бўлди, – деди семинар иштирокчиси Зангиота тумани "Ободлик" МФЙ диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳамида Ағзамова. – Шунингдек, машғулотлар давомида фарзанд тарбияси муаммоларини самимий, турли педагогик вазиятлар орқали тушунтириш ва ҳал этиш имкониятлари юзасидан олган маълумотларимиз маҳалламиздаги оилаларни ўрганиш, улардаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш, "Ота-оналар университети" машғулотлари самарадорлигини оширишда ниҳоятда қўл келади, деб ўйлайман.

**Зулхумор ЖЎРАЕВА,**
**"Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси.**

# БАНДЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, бандликни таъминлаш аҳоли турмуш даражасини юксалтиришдаги муҳим омил саналади. Бу борада Зангиота туманининг Эшонгузар қўрғонида салмоқли ишлар амалга оширилди.**

Жумладан, 1715 нафар аҳоли истиқомат қиладиган Ойбек маҳалласида ишлаб чиқариш корхоналари сони 8 тага етди. 20 дан ортиқ иш ўрнига эга бўлган шоколад цехининг 30 фоиздан ортиқ ишчиси мазкур маҳалла фуқароларидир.

Бир неча йилдан бери фаолият олиб бораётган спорт кийимлари ишлаб чиқарувчи корхона ўз ишини кенгайтирди. Натижада янги иш ўринлари барпо этилиб, Эшонгузар қўрғонининг 15 нафар фуқароси иш билан таъминланди. Шунингдек, ўйинчоқ ишлаб чиқарувчи цехда иш ўринлари 9 тадан 21 тага етказилди.

– Ҳозирда маҳалламизда 17 нафар коллеж битирувчиси бор. – дейди Ойбек маҳалла маслаҳатчиси Муҳайё Мусаева. – Улардан беш нафари олий ўқув юртига кириш учун тайёрланмоқда. Қолган 12 нафари эса тузилган уч томонлама шартнома асосида ишга жойланди.

Маҳаллада бандликни таъминлаш борасида ҳеч ким эътибордан четда қолмаган. Имконияти чекланганларнинг 6 нафарига касаначилик билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

**Нозима АРСЛОНОВА,**
**ЎзМУ талабаси.**

Экспортчи заминдор

# ИШБИЛАРМОН ФЕРМЕРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аграр тармоқни, хусусан, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори тадбиркорлик субъектлари, жумладан, фермер хўжаликларининг экспорт салоҳиятини юксалтириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни хориж бозорларига чиқаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Зангиота туманидаги "Миришкор Сайфуддинова Хонзода" фермер хўжалиги мева-сабзавотчилик, ғаллачилик, боғдорчилик ва кўчатчиликка ихтисослашган.

2007 йилда ташкил этилган хўжаликнинг 37 гектар боғи бор. Унинг 20 гектари интенсив боғ бўлиб, бу ерда олманинг эрта ва кеч пишар, бир-биридан мазали ва узоқ муддат сақланадиган навлари, шунингдек, гилос, нок ва бошқа мева етиштирилмоқда.

Кейинги йилларда арча, қарағай, оқ қайин, каштан, қайрағоч каби турли мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда атиргул кўчатлари етиштириш мазкур хўжалик фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Кўчат тайёрлаш учун 10 гектар ер ажратилган.

Ўтган йили бу ерда етиштирилган кўчатлар фермер хўжаликлари, корхона ва ташкилотларга етказиб берилди, уларнинг икки минг тупи экспорт қилинди.

– 2012 йили хорижга 50 минг, ўтган йили эса 60 минг АҚШ доллари миқдоридаги гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари сотдик, – дейди хўжалик раҳбари З. Сайфуддинов. – Жорий йил юз минг долларлик маҳсулот экспорт қилишни мўлжалламоқдамиз. Давлатимиз раҳбари томонидан фермерларга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли шундай ютуқларга эришмоқдамиз.

Мазкур хўжаликда қирқ нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Олинаётган салмоқли даромад ҳисобидан янги техника воситалари харид қилинди, ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди. Иссиқхона ва совутгичли омбор қуриш режалаштирилаётир.

Вилоятда экспортчи фермерлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Жорий йилда Паркент, Қибрай, Зангиота ва бошқа туманлардаги кўплаб фермерлар хорижлик шерикларга олма, олхўри, узум, гилос ва пиёз жўнатишга оид келишувларга эришган.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Дил изҳори

# ТОВОҚСОЙДА ДАМ ОЛДИК

*"Одамзот яхши гапнинг гадоси" деб бежиз айтилмаган. Айниқса, ёшинг бир жойга бориб, кўнгил дегани нозиклашиб қолганда, кексалик палласидаги оғир, енгил тошларни кўтаришда яхшиларнинг бир оғиз далдаси дилга рағбат, белга қувват берар экан. Ўзим бир умр ўқитувчилик қилиб, эл олқишини олдим. Касбимни улуғлаб кам бўлмадим. Вилоятимизнинг Оҳангарон тумани Танга топди қишлоғида яшайман. Дўстим Абдуманноб Сарибоев билан "Товоқсой" дам олиш уйига йўлланма билан келдик. Бу ерда Нурали Йўлдошев ва Абдурашид Носиров каби меҳрибон шифокорлар кўп экан. 15 гектарлик соя-салқин боғ-роғнинг, чаманзор-гулзорларнинг гўзаллиги, шинам ётоқхона, замонавий мебеллар билан жиҳозланган дам олиш хоналари, хушмуомала шифокорларию қўли енгил ҳамширалар билан янада файзли, кишига ҳузур бағишловчи муҳит яратилган. Дам олиш маскани 450 ўринга мўлжалланган бўлиб, салкам 30 йилдан буён аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. 1-бўлим мудири Маҳсума Ғуломованинг меҳр-оқибати, ҳамширалар Ҳилола Ҳакимова, Сайёра Баҳодированинг ширин сўзлари дардимизга малҳам бўлди. Ҳар кунги муолажа, сайру саёҳат, эл ардоғидаги санъаткорлар концерти руҳимизни кўтариб, умримизга умр қўшди гўё. Бундай шароит-имкониятлар, бепул йўлланмалар истиқлолимиз шарофати эмасми?! Бу неъматларни қанчалик ардоқласак, қадрига етсак, шукр қилсак, эртанги кунимиз янада нурафшон, Президентимиз таъкидлаганларидек: "Ўзбекистонимизнинг келажаги порлоқ бўлади".*

**Камол САПАРОВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**Халқ таълими аълочиси.**

Маънавият

# ЯХШИЛИК ҲИКМАТИ

Ҳайдовчи машинасини қайтариб ҳам улгурмай, қўл телефони жиринглайди. Қараса, шаҳарда ўқиётган талаба қизи. "Тинчликми, қизим?", дейди ҳайдовчи машинасини тўхтатиб. "Дадажон, кеча пул сўраб, қўнғироқ қилгандим-ку. Энди керак эмас, пул юборманг. Бугун институтдаги танловда қатнашиб, ғолиб бўлдим. Мукофот беришди. Дуо қилиб қўйинг, дадажон. Хайр, соғ бўлинг!" Ҳайдовчи бу хушхабардан ҳангу манг бўлиб қолади ва хаёлига келган биринчи гап шу бўлади: "Ё Раббим, бир лаҳзада биримга ўн бериб, ўзинг мукофотладинг-а!"

"Аллоҳ таоло Ўз раҳматини юз бўлак қилди ва ундан бир бўлагини ерга туширди. Ана шу бир бўлак туфайли халойиқ бир-бирига меҳр кўргазади, ҳатто ҳайвон ҳам боласини босиб олишдан қўрқиб, туёғини кўтаради", дейилади Ҳадиси шарифда.

Энди ўйлаб қарайлик: одам боласига туширилган Парвардигор раҳматининг бир бўлаги ерда қанчалар мўъжизалар яратган бўлса, ҳаётнинг қоимлиги, бардавомлиги, дунёнинг кундан кун гўзаллашиб боришини таъминлаган бўлса, Яратганнинг қудратини тасаввурга сиғдириб бўлармикан!..

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, одамзот гўзал сифатлар билан сифатланишга буюрилган. Шундай сифатлардан энг муҳими, бу Раҳмдилликдир. Раҳмдиллик – меҳроқибатнинг, шафқат ва мурувватнинг, садоқат ва саховатнинг сарчашмасидир. Дарҳақиқат, раҳмдил одам меҳрли бўлади, ҳеч кимдан меҳрини дариғ тутмайди. Айниқса, меҳрталаб инсонлардан – етим-есир, мискин, бевабечоралардан ёрдамини аямайди. Зеро, меҳр ва мурувват эгизак тушунчалар бўлиб, меҳрли инсонлар табиатида мурувват кўрсатиш, ҳожатбарорлик фазилатлари устуворлик қилади. Бунинг акси ўларок, ким меҳрсиз, шафқатсиз, тошбағир бўлса, ундан ҳеч қачон ёруғлик чиқмайди. Бундайлар моҳият-эътибори билан ўз Яратгувчиси табиатига зид бўлиб, шунга кўра аянчли оқибат топадилар.

Зеро, Ҳадиси шарифда: **"Ким раҳм қилмаса, унга ҳам раҳм қилинмайди",** дея марҳамат қилинади.

Ҳар доим мамлакат осойишталиги, раият ғамида юрган, етимлар бошини силаган, илм толиблари, иқтидорли инсонларни паноҳида тутган Алишер Навоий ҳазратлари меҳр-мурувватли инсонларни "Кишилик боғининг ҳосилдор дарахти"-га қиёслайди. Зеро, ҳосилдор дарахт ўз мевасини ҳеч кимдан дариғ тутмайди. Ундан одамлар ҳам, жониворлар ҳам бирдай баҳраманд бўлади. Мол-дунёсини муҳтожлар тугул, оиласидан ҳам қизғанадиганларни эса, мевасиз дарахтга, ёмғирсиз булутга, дурсиз садафга ўхшатадилар. Мевасиз дарахтдан ўтиннинг, ёғмайдиган булутдан тутуннинг нима фарқи бор, дейдилар.

**"То мўмин бўлмагунингизча жаннатга кирмайсизлар, то бир-бирларингизга меҳр-мурувватли бўлмагунингизча мўмин бўлмайсизлар",** дея марҳамат қилинади Имом Муслим (р.а) ривоят қилган Ҳадиси шарифда. Демак, мўминликнинг энг муҳим шарти меҳр-мурувватли бўлиш экан. Мурувватли бўлиш, бу фақат кишиларни моддий муҳтожликдан чиқариш эмас, албатта. Одамлар бор, илмга муҳтож – илм беринг, кимдир ҳунар ўрганиш истагида – ҳунар ўргатинг, биров йўлини йўқотган – йўлга солинг. Яна кимдир бир оғиз ширин сўзга, тасаллига, меҳрга ташна – ширин сўзингизни дариғ тутманг, меҳр беринг, кўнглини кўтаринг. Расули акрам (с.а.в) таъкидлаганларидек, яхшиликнинг – саховатнинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳар қандай яхшилик садақа ўрнига ўтади. Аҳли дунё олдида ҳам, Яратганнинг наздида ҳам даражангизни кўтаради.

Азизлар, Рамазони шарифнинг биринчи ўн кунлиги – Раҳмат даҳасидамиз. Бу муқаддас ойнинг кўплаб сифатларидан бири – унинг меҳр-мурувват ойи эканлиги. Бу ойда меҳр кўрсатсак, одамлар корига ярасак, қисқаси қандай эзгуликка қўл урсак, Яратганнинг раҳматига, кўпдан-кўп ажрларига ноил бўламиз. Қолаверса, бу дунё қоимлиги, файзу шукуҳи ҳам одамларнинг ўзаро бир-бирларига меҳр-оқибат, хайр-саховат, ҳожатбарорлик кўрсатиб яшашлари билан дир.

**Азимжон АЛИМЖОНОВ,**
**Олмалиқ шаҳар бош имом-хатиби.**

Болалар ёзи – 2014



# БУ ЕРДА ЗЕРИКМАЙМИЗ



**Ўлкамизда жазирама ёз. Бундай пайтларда жажжи кичкинтойлар тоғу тошларга, сўлим оромгоҳларга, чўмилиш ҳавзаларига бориш учун ота-оналарига хархаша қилишади. Айни кунларда Бўстонлиқ тумани Янги қўрғон қишлоғидаги "Фазогир Гагарин" соғломлаштириш оромгоҳи болажонлар билан гавжум. "Шарқ" нашриётига қарашли бу оромгоҳда бир вақтнинг ўзида 250 жажжи ўғил-қиз мириқиб ҳордиқ чиқараяпти. Яхши ниятлар билан экилган мевали ва манзарали дарахт кўчатлари оромгоҳга сўлимлик ва кўркамлик бағишлаб турибди.**

– Мамлакатимизда таълим-тарбияга жиддий эътибор қаратилаяпти, – дейди нашриёт касаба уюшмаси раиси Ғуломжон Ҳакимов. – Шу сабаб оромгоҳларга нафақат дам олиш масканлари, қолаверса, мактаб таълимининг бир бўлаги сифатида қаралмоқда. Бунга жавобан Соғлом бола йилида ходимларимизнинг ҳали бирон марта ҳам оромгоҳга бормаган ўғил-қизларини ҳордиқ чиқаришларига эътибор қаратаяпмиз.

Айтишларича, оромгоҳда ташқаридан умуман компот ва шарбат сотиб олинмас экан. Буларнинг бари оромгоҳнинг ўзида тайёрланади. Муассасанинг 300 ўринли ошхонаси озода, саранжом. Қўли ширин ошпазлар болажонлар учун 4 маҳал мазали таом тайёрлашади.

Оромгоҳни худди сайёралар шаҳарчасига қиёслаш мумкин. Болажонлар ўз гуруҳларига сайёралар номини қўйишган. "Нептун", "Марс", "Юпитер", "Меркурий"... Бир-бирига маъноли шиорларни ҳам дам олувчиларнинг ўзлари ўйлаб топишган. Ота-оталар учун қурилган мўъжазгина шийпончада ҳамма шароитлар бор. Сузиш ҳавзаси замонавий услубда барпо этилган. Ҳавзадаги сув дам-бадам тозаланиб туради. 2 та волейбол, 2 та баскетбол майдончалари, 2 та футбол ўйингоҳлари болажонлар билан доимо гавжум.

– Оромгоҳлар аввало ўғил-қизларнинг мазмунли дам олишлари, шу билан бирга табиат бағрида соғлиғини тиклаб, бўш вақтини фойдали машғулотлар билан ўтказишига хизмат қилади, – дейди оромгоҳ раҳбари Анна Логинова. – Биз шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда оромгоҳимизни барча талабларга жавоб берадиган тарзда таъмирлаб, шинам ётоқхоналар, кўрса кўз қувнайдиган маънавият-маърифат хонаси, биринчи ёрдамга шай турган тиббиёт хонаси, ошхона, ўндан ортиқ тўгараклар фаолиятига мўлжалланган хоналарни тахт қилиб қўйдик. Бундан ташқари, турли нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш, болажонларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам барча чора-тадбирлар кўриб қўйилган.

Оромгоҳнинг 61 тарбиячи ва етакчиси болажонларнинг таътилни мароқли ўтказиши учун бор билим-маҳоратларини ишга солишган. Малакали шифокорлар эса дам олувчиларнинг соғлиғи учун қайғуришаяпти.

Оромгоҳда тўгараклар ишига жиддий эътибор қаратилади. Тикувчилик, рақс, рассомчилик, юмшоқ ўйинчоқлар тикиш, шахмат-шашка, сузиш тўгаракларига болаларнинг қизиқиши катта.

– Оромгоҳ менга жуда ҳам ёқди, – дейди Рисолат Содиржонова. – Бу ерда ташкил этилган тўгаракка қатнашиб, турли миллат рақсларини ўрганаяпман. Моҳинур, Ҳилола ва Ангелина каби қизлар билан яқиндан танишиб олдим. Келгусида улар билан хат ёзишиб турмоқчиман.

Дарвоқе, бу ерда мунтазам равишда спорт мусобақалари, қизиқарли тадбирлар ўтказиб турилади.

**Хуршида НАЗАРОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**



**Бекобод шаҳрининг "Цементчи" маҳалласида маданият ва спорт маркази ишга туширилди. Анчадан бери қаровсиз етган истироҳат боғи ўз қиёфасини ўзгартириб, замонавий тусда қайта жиҳозланди.**

# ЯНГИ ҲОРДИҚ МАСКАНИ

Дид билан қурилган болалар учун мўлжалланган турли аттракционлар, арғимчоқ, катта ва кичик уйчалар, волейбол, футбол майдончалари, яхна ичимликлар савдо шахобчаси, 150 ўринли концерт майдончаси ва фаввора барчага манзур бўлди. Салқин, баҳаво жойда барпо этилган "Нуронийлар" чойхонаси ва тоғ тошларидан бунёд этилган шаршара, унинг устида парвозга шай турган бургутнинг рамзий кўриниши боғ ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Бу ерга эрта кўкламдаёқ уч юздан зиёд мевали ва манзарали дарахт, уч мингдан ортиқ гул кўчатлари ўтказилди. Қирқ сотих майдонга чим ётқизилди. Ям-яшил дарахт ва анвойи гулларга бурканган мажмуа бир вақтнинг ўзида мингга яқин дам олувчиларга хизмат кўрсата олади.

Янги ҳордиқ масканининг очилиши байрамга айланиб кетди. Шу куни рамзий алвон тасма кесилиб, марказ байрам иштирокчиларини ўз бағрига олди. Бир неча соат давом этган концерт дастури байрамга ўзгача шукуҳ бахш этди.

"Бекободцемент" ОАЖнинг маблағи ҳисобига қайта чирой очган ушбу марказ шаҳар аҳлининг севимли дам олиш масканларидан бирига айланди.

**Каримкул МАВЛОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ҲАР БИР БОЛАГА – МЕҲР, ЭЪТИБОР!

**Шу шиор билан пойтахтдаги "Lokomotiv" истироҳат боғида, "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун тадбир бўлиб ўтди.**

Вилоят ҳокимлиги ҳамда "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган байрамона сайлда Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Бўка, Бўстонлиқ, Зангиота, Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ туманларидан келган 300 нафар болажонлар мароқли дам олишди.

– Жуда ҳам чиройли боғ экан, – дейди ангренлик Сарвиноз Бадалова. – Маза қилиб ўйнадик, янги дўстлар орттирдик. Таътилимиз зўр ўтаяпти.

**Аваз БЕКОВ.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**








Жиноятга жазо муқаррар

# ҲОЮ ҲАВАС ИСКАНЖАСИДА

**Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг шу йил 13 майдаги очиқ суд мажлиси Янгийўл технология-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан содир этилган жиноий иш юзасидан адолатли ҳукм чиқарди.**

Ҳаммаси Аъзам Абдураҳмонов вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг 2014 йил 7 январдаги буйруғига асосан коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи лавозимига тайинланганидан сўнг бошланди. У ўзига ташкилий-бошқарув ваколатлари юклатилганидан фойдаланиб қолиш мақсадида, ҳеч иккиланмасдан жиноий ишга қўл урди.



Коллежнинг "Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси" йўналиши 129-гуруҳ ўқувчиси Сардор Эргашевнинг курсдан-курсга қолдирилганидан фойдаланиб, унинг ишини "битириб" беришга киришади. Бошида жараённинг асл моҳиятини тушуниб етиши учун "қийин иш", "бўлмайди", деган важ-карсонлар билан ўқувчини бироз сарсон қилади. Ниҳоят, у кутган палла келади. Қатнайвериб ҳолдан тойган Сардор, нажот истаб, яна бир бор домласига мурожаат қилади. Бу пайтга келиб, "мижоз" обдон етилган суҳбатдошининг ҳар бир талабига тайёр эди. Чунки, курсдан қолдирилса, биринчидан, оиласидагилардан қаттиқ танбеҳ эшитади, иккинчидан яна бир йили ҳавога совурилади.

Хуллас, Сардор бир амаллаб, унга "дарди"-ни айтади. Домласи унинг ҳасратларини тушунган ҳолда "ён беради". Яъни, у педагогик кенгаш томонидан қайта расмийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинишига асос бўлувчи тегишли ижобий билдирги, шу билан бирга унинг 2-курс семестридаги фанлар бўйича рейтинг кўрсаткичларини кейинги курсга ўтказиш учун асос бўладиган баҳолар билан ёпиб бериши эвазига 300 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олиб келишини айтади. Ноилож қолган ўқувчи устозининг таклифига рози бўлиб: "2-3 кундан кейин пулни олиб келаман", дейди.

Аммо, домланинг қабиҳ режаси амалга ошмай қолди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан амалга оширилган тезкор чора-тадбирлар бу жиноий ишга ўз вақтида нуқта қўйди.

Суд ҳукмига кўра, Аъзам Абдураҳмонов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан, айбли деб топилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Шунингдек, ташкилий-бошқарув ва маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Афсуски, янги амал, юқори лавозим айрим кимсаларга ушалмас орзу-ниятларни рўёбга чиқарувчи "сеҳрли таёқча"дек туюлади. Гўёки, унга эришгач, барча нарса муҳайё бўладигандек. Улар ишониб топширилган лавозимнинг ўзига яраша масъулияти борлигини унутадилар. А. Абдураҳмонов бор куч ва имкониятини ёш авлодни камол топтиришга сафарбар этганида эди, бу қадар аянчли вазиятга тушмаган бўларди...

**Мурод ҲАМИДОВ.**

Рассом хандаси




**ЭЪЛОН**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган «ECO PAPER» (ИНН 301477600) МЧЖга 06.04.2011 йилда № 004000-05 реестр рақами билан берилган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-334. Адади 8765. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 17.50.